Илова № 1

# "Жомбой дон маҳсулотлари" АЖ нинг 2021 йил якунлари буйича Самарадорликнинг асосий муҳум кўрсаткичлари ҲИСОБИ

| № | КЎРСАТКИЧЛАР | Микдор улуши* | Прогноз | Амалда | Бажарилиш фоизи | КПЭ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | A | B | C | D | E | F=E*B/100 |
| 1 | Маҳсулот сотишдан соф тушум(выручка) прогнозининг бажарилиши (млн сўмда) | 10 | 188106,0 | 206 791,30 | 109,9 | 11,0 |
| 2 | Соф фойда(зарар) прогноз кўрсаткичининг бажарилиши(млн сўмда) | 10 | 5 300,60 | 1 192,80 | 22,5 | 2,3 |
| 3 | Активлар рентабеллиги (%) | 12 | 0,05 | 0,01 | 20,0 | 2,40 |
| 4 | Маҳсулот таннархини камайтириш*(белгиланган топшириққа нисбатан фоизда)* | 12 | 10,5 | 5,5 | 52,4 | 6,29 |
| 5 | Ишлаб чиқариш қуватларидан фойдаланиш коэффициенти | 12 | 71,8 | 69,80 | 97,2 | 11,67 |
| 6 | Тўловга қобилиятлилик (қоплаш) коэффициенти | 12 | 1,25 | 1,36 | 108,8 | 13,06 |
| 7 | Молиявий мустақиллик коэффициенти | 12 | 1,0 | 0,64 | 64,0 | 7,68 |
| 8 | Дивиденд чиқиши (минг сўм) | 10 | 1590000 | 2155320 | 135,6 | 14 |
| 9 | Ёқилғи -энергия ресурусларини тежаш(тонна) | 10 | 3,6 | 3,5 | 97,2 | 10 |
| | **Итого** | **100** | **x** | **x** | **x** | **77,61** |

**МЧЖ "ZAMIN OIL-AUDIT" Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор:** **А. У. Хужакулов**

Илова № 2

## "Жомбой дон маҳсулотлари"АЖнинг 2021 йил 9 ойлик Самарадорликнинг қўшимча муҳум кўрсаткичлари ҲИСОБИ

| № | Кўрсаткичлар | Миқдор улуши | Режа бўйича | Амалда | Бажарилиш фоизи | КПЭ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | A | B | C | D | E | F=E*B/100 |
| 1 | Абсолют ликвидлик коэффициенти | 10 | 0,2 | 0,01 | 5 | 0,5 |
| 2 | Кредитор қарзларнинг кунлик айланмаси | 10 | 25,0 | 21,00 | 119,0 | 11,90 |
| 3 | Дебитор қарзларнинг кунлик айланмаси | 10 | 45,00 | 67,00 | 67,2 | 6,72 |
| 4 | Асосий воситаларнинг эскириши коэффициенти | 10 | 0,42 | 0,47 | 111,9 | 11,19 |
| 5 | Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти | 10 | 0,04 | 0,04 | 100,00 | 10,00 |
| 6 | Меҳнат унумдорлиги(млн сўм) | 10 | 750,5 | 645,9 | 86,1 | 8,61 |
| 7 | Фонд қиймати | 10 | 7,50 | 6,07 | 80,9 | 8,09 |
| 8 | Бир ходим ҳисобига персонални ўқитиш харажатлари | 10 | 24000 | 17485 | 72,9 | 7,29 |
| 9 | Кадрлар қўнимсизлиги коэффициенти | 10 | 0,95 | 1,01 | 94,1 | 9,41 |
| 10 | Энергия самарадорлиги(энергияга сарфланган харажатларнинг маҳсулот таннархига нисбати) | 10 | 0,2 | 0,2 | 100,0 | 10,00 |
| | **Итого** | 100 | x | x | x | **83,7** |
| | **ИКЭ** | **100** | x | x | x | **80,7** |

**МЧЖ "ZAMIN OIL-AUDIT" Аудиторлик ташкилоти диретори, аудитор:** **А. У. Хужакулов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QASHQADARYO VILOYATI ... "ZAMIN OIL-AUDIT" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT SHAKLIDAGI AUDITORLIK TASHKILOTI

**Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти**
**МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ**
# «ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Кашкадарё вилояти, Карши шахри, Шибаев кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел.(+99891) 640-45-64, 91- 462 41 58.
Аудитолик фаолияти буйича Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 йилдаги № 00774 ракамли лицензияга эга.

## "Жомбойдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятига 2021 йил самарадоликнинг муҳим ва йиғинди кўрсаткичлари бўйича аудиторлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги ҳисобот

***Буюртмачи:*** *"Жомбойдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти ҳисоб рақами: 20208000500193759001, АТБ Агробанк Жомбой филиали МФО 00270, СТИР 200736447, ОКЭД 10610*

***Хужжатнинг номи :*** *"Жомбойдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти ижро этувчи органи фаолияти Самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари (СМК) ва самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ва уларнинг 2021 йил якунлари бўйича ҳисобланиши бўйича текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот.*

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Шибаев кўчаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЕД коди 69202, ҳисоб рақами 20208000904162711001 «Ўзсаноатқурилишбанк» Қашқадарё минтақавий филиали Қарши шаҳри МФО 00854) аудитори Азамат Уролович Хўжакулов (аудитор малака сертификати № 05590, берилган санаси 07.02.2019й.) МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти билан **"Жомбойдонмаҳсулотлари"** акциядорлик жамияти ўртасида 2021 йил 01-мартда тузилган № 023/21-сонли шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект **"Жомбойдонмаҳсулотлари"** акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи фаолияти Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) ва самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ва уларнинг 2021 йил якунлари бўйича ҳисобланиши текширишдан ўтказдим.

Текшириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Давлат улуши булган акциядорлик жамиятлари ва бошка хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий эртиш тўғрисида"ги 2015 йил 28-июлдаги 207-сонли карорига мувофиқ тасдиқланган "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари туғрисида"ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Давлат иштирокидаги корхоналар ва ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллиаштириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги 2021 йил 9-декабрдаги 775-сон асосида ўтказилди.

Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида”, “Маъсулияти чекланган жамият ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошкарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари туғрисида” 2015 йил 24-апрелдаги ПФ 4720-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Устав фондида давлат улуши булган корхоналарнинг самарали бошкарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада хисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари туғрисида” 2006 йил 16-октябрдаги 215-сонқарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда устав капиталида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, маъсулияти чекланган ва қўшимча маъсулиятли жамиятлар, давлат корхоналари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилайди. Уларга кўра жамиятнинг директори ва бошқарув аъзоларига тўланадиган хак миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан тўғри боғлиқ бўлиши белгилаб қўйилган.

Кўрсатилаётган аудиторлик хизматининг мақсади хўжалик юритувчи субъект **“Жомбойдонмаҳсулотлари”** акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи фаолияти Самарадорликнинг муҳим кўрсакичлари (СМК) ва самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ва уларнинг 2021 йил якунлари бўйича ҳисобланишини текширишдан ўтказиш ва асосланган хулосалар билан ҳисобот тақдим этишдан иборат.

**“Жомбойдонмаҳсулотлари”** акциядорлик жамиятининг ижро органи раҳбарияти аудиторга тақдим этилган материалларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир, аудитор жавобгарлиги - тақдим этилган материаллар асосида аудиторлик ҳисоботини тузишдан иборатдир.

Текширишда **“Жомбойдонмаҳсулотлари”** акциядорлик жамиятининг 2021 йил ”Бухгалтерия баланси”- 1-сонли шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”- 2-сонли шакл ва бошқа молиявий, статистик, бизнес режаси ва бошқа бухгалтерия ҳисоботлари материалларидаги маълумотлардан фойдаланилди.

Баҳолаш максади учун ҳар бир Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бизнес режада қабул қилинган жамият учун аҳамиятини акс эттирувчи фоиздаги салмок ўлчовида бизнес режадаги прогноз кўрсаткичлари билан хақиқий кўрсаткичлар солиштирилди.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) ташкилотларнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий ўлчовидан иборат.

Барча СМК бўйича ўртача ҳисобланган миқдор жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) сифатида ифодаланади.

Текшириш натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди:

- **“Жомбойдонмаҳсулотлари”** акциядорлик жамиятида 2021 йилда Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (СМК) 77,61 фоизни ташкил этди. (Илова № 1)

- **“Жомбойдонмаҳсулотлари”** акциядорлик жамиятида 2021 йилда Самарадорликнинг қўшимча муҳим кўрсаткичи 83,7 фоизни ташкил этди. (Илова № 2)

- **“Жомбойдонмаҳсулотлари”** акциядорлик жамиятида 2021 йилда Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) 80,7 фоизни ташкил этди. (Илова № 1-2)

**Х У Л О С А**

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, **“Жомбойдонмаҳсулотлари”** акциядорлик жамиятида 2021 йилда **ижро этувчи органнинг фаолияти урта даражада** деб бахоланди.

**Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор:** **А. У. Хўжақулов**

10-март 2021 йил